АНДИЖОННИНГ МАҲМУДАЛИБОЙ ЖОМЕ МАДРАСАСИ ТАРИХИ

И.Алимов

Мақолада Андижон шаҳридаги Маҳмудалибой Жоме мадрасаси тарихи, унинг вақф мулклари ва фаолияти ҳақида архив материаллари асосида атрофлича маълумот берилган.

Калит сўзлар: *мадраса, масжид, вақф ерлари, мударрис.*

В статье на основе архивных материалов подробно освещена история медресе Махмудалибая в городе Андижане, даны сведения о его деятельности и вакуфном имуществе.

Ключевые слова: *медресе, мечеть, вакуфные земли, мударрис*

The article provides a perfect information based on historical sources about Mahmoodaliboy Mosque in Andijon, its aqoof properties and activities

Key words: *madrassah, mosque, waqoof properties, mudarris.*

Андижоннинг машҳур бойларидан бири Ҳакан қишлоғида яшовчи Маҳмудалибой Холмирзабоев 1882 йилнинг бошларида Андижон шаҳрида эски ўрда ёнидаги ўзига тегишли ерда ўз ҳисобидан 25 ҳужрали мадраса қуришни ният қилган. Мадраса қуришга ва Ўш уезди Жалақудуқ волости Сўфи қишлоғидаги 3000 таноб, Қораёнғоқ қишлоғидаги 700 таноб ерини вақф қилиб беришга рухсат сўраб Андижон уезди бошлиғига мурожаат қилган. Холмирзабоевнинг Андижон шаҳрида мадраса қуриш учун рухсат сўраб ёзган арзномаси ҳақида Андижон уезди бошлиғи 1882 йил 27 июлда махсус хат билан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори лавозимини вақтинча бажарувчисига хабар берган [1].

Шу орада 1882 йили В.К.Кауфман ўрнига унинг вафотидан кейин Туркистон генерал губернатори лавозимига янги тайинланган генерал лейтенант Черняев уезд аҳволи, ташкилотлар иши билан танишиш ва аҳоли билан учрашиш мақсадида Андижонга келади. Шаҳар аҳолиси билан учрашув жараёнида Андижон уламолари Насриддинбек ўрдада қурдирган масжид Андижоннинг рус армияси босиб олиши вақтида замбарак ўқларидан шикастлангани, шаҳар руслар қўлига ўтгач, масжид бутунлай бузилиб, ери текислаб қўйилганини айтиб, мазкур масжид ўрнида янгисини қуриб олишга губернатордан рухсат сўраганлар. Черняев ўрданинг орқа томонидаги бўш ётган ерни ажратиб беришни уезд бошлиғига буюрган. Генерал губернаторнинг шу оғзаки буюруғига асосан уезд раҳбари томонидан ер ажратилиб, масжид қуришга рухсат берилган. Андижон шаҳри уламолари Насриддинбек қурдирган масжид ўрнида янги масжид қуришни илтимос қилиб Маҳмудалибойга мурожаат қилдилар. Маҳмудалибойнинг азалдан шаҳарда ҳашаматли жоме масжид ва мадраса қуриш нияти бор эди. Уламоларнинг масжид қуриш тўғрисидаги таклифи Маҳмудалибой учун айни муддао бўлди. Шу боис Маҳмудалибой шаҳар ўрдаси ёнида эски масжид ўрнида масжид ва кейинроқ унинг ёнида мадраса қуришни бошлаган.

1887 йил 5 сентябрдаги Андижон уезди бошлиғини Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзган рапортида Маҳмудалибой Андижон шаҳридаги жоме масжиди ўрнида ҳужралари билан янги масжид қурганлиги қайд қилинади. Шунингдек масжиднинг улканлиги, пишиқ ғиштдан қурилганлиги, пардозлаш ишлари олиб борилаётгани, энг камида 100 минг рубл сарфланганлиги, масжид ёнида дўконлар солинаётгани кўрсатиб ўтилади [2].

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Туркистон генерал-губернаторига 1901 йил 16 мартда жўнатган рапортида шундай дейилган: “Собиқ генерал-губернатор, генерал-лейтенант Черняев томонидан, Андижонда бўлганида, берилган оғзаки рухсатномага асосан бозорда, илгари хонлик вақтида бўлган масжид ва мадраса ўрнида янги жоме масжиди ва мадраса бунёд этилган. 1885 йилда масжид энди битган вақтда, мадрасанинг қурилиши яна давом этаётганда, бу қурилишларнинг бунёдкори Андижон шаҳрида яшовчи, сорт Маҳмудалибой Холмирзабоев қурилаётган масжид ва мадраса фойдасига вақф ташкил қилиш масаласида жаноб вилоят ҳарбий губернаторидан Туркистон генерал-губернаторига илтимос қилиш тўғрисида мурожаат қилган” [3].

Бу ҳужжат Маҳмудалибой бунёд этаётган масжид ва мадраса қурилиши 1882 йилда бошлангани, 1885 йилга келиб масжид қурилиши асосан битгани, мадраса қурилиши эса давом этаётганидан гувоҳлик беради. Шу муносабат билан масжид ва мадрасага вақф мулки таъсис қилишга ҳаракат бошланганини кўрсатади. Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида 1886 йилдаги Низомга асосан масжид, мадраса қуриш, уларга вақф мулки таъсис қилиш фақат Туркистон генерал-губернатори рухсати билан ҳал қилинар эди.

Чор ҳукумати Туркистон мусулмон руҳонийларининг моддий, маънавий, ташкилий жиҳатдан кучайиб кетишининг олдини олиш мақсадида мана шундай чеклашларни жорий қилган эди.

1887 йил 13 ноябрда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи Туркистон генерал-губернаторига андижонлик Маҳмудалибой Холмирзабоев Андижон шаҳридаги жоме масжиди ўрнида шундай масжид қургани ва масжидга ўзининг кўчмас мулкидан вақф таъсис қилишга рухсат сўраб илтимос қилгани хабарини берган. Хатга илова қилиб Холмирзабоев арзномасини ва вақф баённомасининг лойиҳасини жўнатган [4].

Туркистон генерал губернатори вақф таъсис қилиш шартини аниқлаш учун Петербургга, Давлат Кенгашига мурожаат қилган эди. Бу масала бўйича ҳукумат қарорини кутиб Маҳмудалибой илтимосини ҳал қилиш чўзилиб кетди. 1889 йилда Маҳмудалибой жоме мадрасасини қуриб битказган. Шу муносабат билан 1889 йил 21 майда Андижон шаҳри барча аҳолиси номидан Туркистон генерал- губернатори номига Маҳмудалибой Холмирзабоев ўз ҳисобидан қуриб битказган мадраса ва жоме масжиди фойдасига ўз мулкидан вақф таъсис этиш тўғрисидаги илтимосномасини ижобий ҳал қилишингизни сабрсизлик билан кутяпмиз, деган мазмунда ариза юборилган. Бундан олдинроқ, 1888 йил 19 декабрда Давлат Кенгашининг айрим ҳолларда мусулмон диний ташкилотларига солиқдан озод қилмасдан вақф таъсис этиш тўғрисида қарори эълон қилинган. Мазкур қарорга асосланиб, 1889 йил 21 июнда Туркистон генерал-губернатори Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига қуйидаги жавоб хатини ёзган: “Сиз зоти олийларига, керакли фармойиш бериш учун маълум қиламанки, илова қилинаётган вақф мулклари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган Холмирзабоевнинг ўз мулкини вақф қилиш тўғрисидаги мурожаатномасига юқорида келтирилган Давлат Кенгаши фикри асосида қаршилигим йўқ” [5]. Генерал губернаторнинг бу ёзма буйруғи дарҳол Андижон уезд бошлиғига Маҳмудалибой ва Андижон аҳолиси вакилларига хабар қилиш учун юборилган эди.

Маҳмудалибой ўзи қурдирган жоме масжид ва мадрасага вақф қилган ерлар миқдори тўғрисидаги Туркистон генерал-губернатори тасдиқлаган маълумотнома архивда сақланиб қолган. Биз жадвал шаклидаги маълумотномани аслида қандай бўлса шундайлигича келтирамиз.

Ведомость

о количестве земель, жертвуемых жителем Хаканской волости Махмудалибаем в вакф [6]

№	Местонахождение участков	Количество земли в танапах	Оброчная подать в год	Земский сбор
1	Участок в Ошском уезде земли в Джалал-Кудукской волости в кишлаке Суфи	750	477 р.4к	166 р.96к
2	Там же	535		
3	Там же в кишлаке Ургу	80	22 р.22к	7 р.88к
4	Там же	70	77 р.4к	26 р.96к
5	Там же в местности Карагун	50		
6	Там же в кишлаке Дон	130	51 р. 85к	18 р. 15к.
7	Там же	70		
8	В Маргеланском уезде			
9	Участок в Маргеланском уезде в Асакинской волости в кишлаке Кызыл-Аяк	15	8 р.89к	3р.11к
9	В гор. Андижане Участок в гор. Андижане на базаре пустопорожное место	2	Земли эти податью не обложен	
10	Участок в гор. Андижане под Карвансараем	2 1/2		
11	Участок в квартале Худояр Казий на базаре гор. Андижана, на котором находятся на весы и лавки мучного базара	1 1/2	Этот участок податью не обложен	

Капитан (подпись)
Секретарь (подпись)
Письмоводитель (подпись)

Андижон шаҳри марказида, ўрда яқинида қурилган мадраса ва жоме масжидининг фаолият юритиши учун Маҳмудалибой 1840 таноб экин ерини ва 2 та карвонсаройни вақф қилиб берган. Вақф ерларнинг асосий қисми – 1285 таноби Ўш уездининг Сўфи қишлоғида бўлган. Маҳмудалибой Сўфи қишлоқдаги ерларни 58 нафар чорикорларга ижарага берган. Улар ҳосилнинг бешдан икки қисмини Маҳмудалибойга ижара ҳақи сифатида берганлар. Бошқа ер участкалари эса чорикорларга ҳар хил шартлар билан ижарага берилган [7]. Барча ерлардан Маҳмудалибой давлатга солиқ тўлаб турган. Бу ерлардан ташқари Андижон шаҳри бозоридаги бир неча ҳужралари ва отхонаси бўлган саройни мадраса ва масжидга васият қилган. Бу катта даромад келтирадиган мулклар мадраса ва масжид эҳтиёжини асосан қоплаган.

1902 йили июнь ойида Маҳмудалибой қариб қолганлигини ҳисобга олиб, яна 34 та кўчмас мулкини Андижон шаҳридаги жоме мадрасасига вақф қилишга рухсат сўраб Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ва Туркистон генерал-губернаторига арзнома билан мурожаат қилган эди [8]. Ҳужжатда кўрсатилишича, у вақф қилмоқчи бўлган мулклар қаторида қуйидагилар бўлган: Андижон нон бозорининг ғарбида жойлашган карвонсарой ва 3 та дўкон ер участкаси билан, пахта саройининг ғарбида жойлашган карвонсарой ва 4 та дўкон ер учаскаси билан, савдо саройи ер участкаси билан, Қирлиқ маҳалласидаги иккита ҳиндулар саройи ва 19 та дўкон иккита ер участкаси билан, жоме мадрасаси асосий дарвозаси рўпарасидаги Хилямлик маҳалласида турар жой ва 8 та дўкон ер участкаси билан, ўша маҳалладаги каппонни шимол томонидаги одамлар яшайдиган бино ер участкаси билан. Шаҳардаги бу мулклардан ташқари Ойим волостининг Дардақ қишлоғида жойлашган 5 та ер участкасини ҳам жоме мадрасасига вақф қилиб бериш сўралган. Маҳмудалибой Дардақ қишлоғидаги ерларини Ҳакан қишлоғининг Маҳмудалибой маҳалласида бунёд этган мадраса ва масжидга ҳижрий 1290 (мелодий 1873) йили вақф қилиб берган эди. Лекин Ҳакандаги мадраса ва масжиднинг бошқа мулклари борлиги ва Дардақдаги ерларга эҳтиёжи йўқлигини ҳисобга олиб, Маҳмудалибой бу ерларнинг сарф-ҳаражатини ҳам катта жоме мадрасасига ўтказиб беришни генерал-губернатордан илтимос қилган.

Маҳмудалибойнинг бу янги илтимоси анча мураккаб бўлгани учун уни ҳал қилиш чўзилиб кетган. Шу сабабли 1903 йил 15 ноябрда Туркистон генерал губернаторига қайта арзнома ёзиб Андижон шаҳридаги жоме мадрасасига янги мулкларини вақф қилишни тезлаштириб беришни илтимос қилган. Ушбу арзномада генерал-губернаторга ўзи ҳақида шундай деб ёзади: “Мен қариб қолдим, мен 75 ёшдаман, менинг аҳволимдан сиз олий жанобларининг хабарингиз бор. Менинг вафотимдан кейин меросхўр бўлиб қоладиган умр йўлдошим ва фарзандларим йўқ. Шунинг учун мен ўйлайманки, менинг вафотимдан кейин мулкларим бекордан йўқолиб кетмасин, бирон бир ярамас одам қўлига тушиб қолмаслиги учун, менинг мадрасам бор, унга менинг ҳаётлигимда тезроқ вақф қилиб бериб тасдиқлашни ва мендан кейин ҳам мадрасам кун кўришини, яшашини хоҳлайман” [9].

1902 йил июн ойида Маҳмудалибойнинг Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ва Туркистон генерал-губернаторига Андижон шаҳридаги ва Дардақ қишлоғидаги мулкларини Андижон шаҳридаги жоме мадрасасига вақф қилиб беришни рухсат сўраб ёзган арзномасини Фарғона вилояти ҳарбий гебарнатори лавозимини вақтинча бажарувчи Наливкин кўриб чиққан. У Андижон уезди бошлиғининг жоме мадрасаси йиллик даромади 5000 рублни ташкил қилади, деган маълумотига асосланиб, жоме мадрасаси етарли даражада даромад билан таъминланган деб ҳисоблайди ва Маҳмудалибойнинг янги вақф мулки васият қилишига рухсат беришга қарши чиққан. Лекин Туркистон генерал-губернатори бу хулосага қўшилмади. Бунинг сабаби, Туркистон генерал-губернатори девонхонаси маърузасида қуйидагича асослаган: “Биринчидан, мадраса сарф-ҳаражатга етарли бўладиган нормани аниқламаган. Иккинчидан, маҳаллий халқни худо йўлида эҳсон қилиб, ўзининг маънавий-диний эҳтиёжини қондириш мақсадини чеклашни мумкин деб ҳисобламаган. Чунки бундай чеклашлар маҳаллий халқ орасида ўз-ўзидан тушунарли бўлган норозилигига олиб келишини ҳисобга олган. Бунинг устига у ўз мулкини вақф қилиб солиқдан озод қилишни илтимос қилмаган” [10].

1889 йилда расман ўқув-тарбиявий ишларини бошлаган Жоме мадрасасининг номи 90-йилларда бутун Фарғона водийсига тарқалиб, машҳур бўла борди, унга қизиқувчилар, бу ерда ўқишни хоҳловчиларнинг сони йилдан-йилга ортиб борди. Мадрасанинг 25 та ҳужрасидан ташқари яна мадраса ҳовлисига қўшимча ҳужралар қуришга, муллабаччаларни жойлашга тўғри келди. Талабалар сони ортиши билан мадраса мударрислари, бошқа хизматчилар сони ва, табиийки, ҳаражатлар ҳам ортиб борган. Шундан келиб чиқиб, Маҳ-

мудалибой жоме мадрасасига қўшимча мулклар вақф қилишга қарор қилган ва бунга генерал-губернатордан рухсат сўраган эди.

1904 йил 4 апрелдаги Туркистон генерал-губернатори девонхонаси бўйича маърузада келтирилган Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг маълумотида жоме мадрасасининг 104 та ҳужрасида 320 нафар муллабачча ўқиётгани қайд қилинган. Губернатор мадрасанинг 3610 рубл йиллик даромади мадраса эҳтиёжларини, унинг ходимлари ва талабаларини таъминлашга етмайди деб ҳисоблаб, Маҳмудалибойнинг ҳайр-эҳсон қилмоқчи бўлган барча мулкларини жоме мадрасасига вақф қилишига қаршилиги йўқлигини билдирган [11].

Маҳмудалибойнинг жоме мадрасасига янги қўшимча мулклар вақф қилиш тўғрисидаги арзномаси генерал–губернатор томонидан қандай ҳал қилингани тўғрисида аниқ маълумотлар топилмаган. Лекин генерал-губернаторнинг мусулмонлар томонидан худо йўлида эҳсон қилинаётган мулкларга нисбатан билдирган ижобий фикрига қараганда Маҳмудалибойнинг илтимоси тўла қондирилган бўлиши керак.

Андижон шаҳридаги жоме мадрасаси фаолияти ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. 1900 йилда Туркистон генерал-губернатори Андижонга келганида жоме мадрасаси билан ҳам танишган. Суҳбат чоғида мадрасанинг катта мударриси Мулла Ҳолиқберди Жиянсўфиев император номини билмаслиги, унга бағишлаб хутба, дуо ўқимаслигидан хабар топган генерал-губернатор ғазабланиб, уни мадрасадан четлатган [12]. Катта мударрис номоз якунланишида дуо қилиб, Россия императори номига хутба ўқиши кераклигини билса ҳам, атайин мустамлакачилар номига дуо қилмаган. Холиқберди Жиянсўфиев ишдан бўшатилганидан кейин ўша йили ноябрь ойида мадрасанинг катта мударриси лавозимига Мулла Сойибохун Қурбон Алиев тайинланган эди. Кейинчалик Жиянсўфиев яна ўз лавозимига қайта тикланган. Лекин унинг рақиби Қурбон Алиев туҳмат қилиб, 1915 йил май ойида унинг яна катта мударрис лавозимидан четлатилишига, учинчи мударрис лавозимини вақтинча бажарувчи этиб ўтказилишига эришган.

1917 йил февраль буржуа-демократик инқилобидан кейин Холиқберди Жиянсўфиевнинг фарзандлари Андижон мусулмон депутатлари советига отасини катта мударрис этиб тиклаш тўғрисида ариза беришган. Уч кишидан иборат комиссия тузилади. Комиссия томонидан 1917 йил 7 августда мадраса муллабаччаларидан катта мударрис лавозимида Қурбон Алиев ёки Жиянсўфиевдан қайси бири ишлашини хоҳлайсизлар, деб сўралганда, улар бир овоздан Жиянсўфиев номзодини қўллаб-қувватлашган. Чор ҳукумати даврида ҳам, муваққат ҳукумат даврида ҳам мударрисни муллабаччалар сайлашган ва у ўқув юрти идораси томонидан тасдиқланган.

1917 йил 28 августда Андижон уезди шаҳар мусулмон жамоат ташкилотлари ва “Шўро Исломия” мусулмон депутатлар советининг қўшма мажлисида ҳам шундай қарор қабул қилинди ва юқори ҳокимият идораларига юборишга келишилди [13]. 1917 йил 27 ноябрда Фарғона вилояти комиссари Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига Андижон мусулмон жамоат ташкилотлари Холиқберди Жиянсўфиевнинг жоме мадрасаси катта мударриси лавозимини эгаллаш ҳуқуқига эга эканини маъқуллаганини хабар қилган. 1917 йил 16 декабрда Андижон жамоат ташкилотлари советига Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори Вознесенскийнинг юборган телеграммасида Жиянсўфиев жоме мадрасаси катта мударриси қилиб тайинланганини билдирган [14]. Шундай қилиб, илоҳиёт илмининг билимдони, ўз соҳасининг етук мутахассиси, чор маъмурларига бўйин эгмай муллабаччалар ҳурматини қозонган Мулла Ҳолиқберди Жиянсўфиев 86 ёшда бўлишига қарамай, Андижон шаҳрининг жоме мадрасаси катта мударриси лавозимига қайта тикланган. Бу мадраса 20-йилларда ҳам ўз фаолиятини давом эттирган ва кейин совет органлари томонидан ёпилган.

1928-1929 ўқув йилидан бошлаб Махмудалибой Жоме мадрасаси ўз фаолиятини тўхтатган. Мадраса пишиқ, пухта қилиб қурилгани учун ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган ва мустақиллик шарофати билан Андижон шаҳрининг ноёб тарихий, маданий ёдгорлиги сифатида авайлаб сақланмоқда.

Адабиётлар:

1. ЎзР МДА., И-19-ф., 1-р., 23030-й., 1-в.
2. ЎзР МДА., И-19-ф., 1-р., 23030-й., 45-в.
3. ЎзР МДА., И-1-ф., 12-р., 325-й., 2-в.
4. ЎзР МДА., И-19-ф., 1-р., 23030-й., 46-в.

5. ЎзР МДА., И-19-ф., 1-р., 23030-й., 59-в.
6. ЎзР МДА., И-19-ф., 1-р., 23030-й 60-в.
7. ЎзР МДА., И-19-ф., 1-р., 23030-й., 53-в.
8. ЎзР МДА., И-1-ф., 12-р., 325-й., 32-в.
9. ЎзР МДА., И-1-ф., 12-р., 325-й., 15-в.
10. ЎзР МДА, И-1-ф.,12-р., 325-й.,32-в.
11. ЎзР МДА, И-1-ф.,12-р., 325-й.,32-33 -в.
12. ЎзР МДА, И-47-ф.,1-р., 1649-й.,70-в.
13. ЎзР МДА, И-47-ф.,1-р., 1649.,212-в.
14. ЎзР МДА, И-47-ф.,1-р., 1649.,224-в.

Андижон давлат университети
2014 йил 9 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.н. О.Комилов)